Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-ОХИРА, 28-КУН
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ЖАДИЙ, 17-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ, ШАНБА, 3-СОН • (254) • | НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 25 ТИЙИН.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ

ЭРТАНГИ КУНДАН УМИД

Бугун Тошкентда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 9-сессияси очилади. Анжуман муҳокамасига мустақил ўлкамизнинг биринчи Президентига оқ фотиҳа беришдан тортиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш, шу йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган фавқулодда бюджетни кўриб чиқишгача бўлган бир қатор муҳим масалалар киритилган. «Халқ сўзи» мухбири шу муносабат билан Олий Кенгашнинг комитетлари рансларидан айримларига мурожаат қилиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

Фазлиддин НАЖМИДДИНОВ — Саноат, халқ истеъмоли моллари, маиший хизмат ва савдо комитетининг раиси.

— Бугун ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётининг ҳамласи тобора кучайиб бораётир. Нарх-наво эса, табиийки, осмонда. Кўнглимизда орзу умидларимиз қат-қату уни амалга ошириш учун имкониятлар ҳаминқадар.

Мана шу таҳликали шароитда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Президентимиз ва ҳукумат бу борада қатор тадбирларни амалга ошираётганини яхши биламиз. Эркин нарх белгилаш муносабати билан куни кеча чиқарилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги фармон ҳам фикримизнинг далилидир. Унда айрим тоифадаги кишилар, жумладан ўқувчи ва талабаларга бериладиган иш ҳақи, стипендия ва меҳнат нафақасини кескин кўпайтириш ҳақида гап боради.

Эътибор берган бўлсангиз сессияда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 1-чорагига мўлжалланган бюджети тўғрисидаги масала ҳам киритилган. Кўриниб турибдики, янги шароитда халқимизнинг ҳаёти қандай кечишини ҳисобга олиб, бюджет ажратмалари муайян муддатда қандай бўлиши кераклиги кўриб чиқилади. Унда халқимиз бошига тушиши мумкин бўлган оғирликлару ташвишларни ҳисобга олишга ҳаракат қилинади, албатта.

Биз бугун аксарият сайловчилар мустақиллик учун якдиллик билан овов берганликлари ҳақида баланд руҳ билан гапираяпмиз. Бу яхши. Аммо ҳозир мустақилликни амалий иш билан мустаҳкамлаш пайти келди. Режа ва кўрсатмаларнинг бажарилиши, Ислом Каримовнинг Туркияга сафари натижалари, кўпгина мамлакатлар билан имзоланаётган шартнома ва битимлар республикамизни иқтисодий тангликдан олиб чиқишга кўмак беради. Аммо ҳар қандай режа, келишув, фармон ва қарорлар ижро этилмас экан, у қуруқ қоғоздаги қайдлардан бошқа нарса эмас. Муҳими унинг амалга ошувидир. Демак, ҳамон советлар ва ижроия органлари фаолиятидаги уйғунликни кучайтириш, қуйидаги қўш раҳбарликка барҳам бериш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни кўтариш учун тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, истиқболимиз учун хизмат қиладиган саъй-ҳаракатларда ҳар бир меҳнатчи астойдил иштирок этишига эришиш керак.

Абдулахат ЖАЛИЛОВ — Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитети раиси.

— Буюк давлатчилик, мустамлакачилик ва мустабидлик пойдеворига қурилган тузум яшаб бўлди. Унда кўрган азобу уқубатларимизни санаб адоғига етиб бўлмайди. Иқтисодий тараққиётнинг сустлашуви ҳам, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари топталганлиги ҳам, демократиянинг бўғилганию, эркин фикрли кишиларнинг қатағон қилинганлиги ва бошқа жуда-жуда кўп кўнгилсиз ҳолларнинг сабабчиси шу диктатура эди. Фуқароси айб қилса, уни бошқа юртга олиб бориб суд қилинса, республикага «юқори»нинг рухсатисиз раҳбар сайлаб бўлмаса, бунисига нима дейсиз?

Аммо узоқ йиллар мобайнидаги иқтисодий ҳамкорлик туфайли хўжалик алоқаларининг кучайиши табиий ҳол эди. Саноатимиз жуда кўп корхоналар билан «олди-берди» қилиб ривожланди. Энди бу боғланишни бирданига узиб ташлаб бўладими? Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганлиги ана шу жиҳатдан ҳам характерлидир. У хом ашё танқислигига барҳам бериши ҳам мумкин. Бу борадаги битим ва протоколни имзолаш ва ратификация қилиш билан республика халқ депутатлари иқтисодиётимизни танг аҳволдан олиб чиқишга ёрдам берган бўладилар.

Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинганидан бўён қанча-қанча мамлакатлар бизни таниганлиги кўнгиллидир. Ўзбекнинг юрти алоҳида мамлакат сифатида тилга олинишига кўникиб бормоқдамиз. Айни вақтда биз ҳам ўзга мамлакатларнинг эмин-эркинлигини тан олиш тўғрисидаги гапларимизга расмий тус беришимиз керак-ку. Собиқ СССР таркибида бўлган республикаларни давлат мустақиллигига ҳурмат-эътибор билдириш масаласи ҳам сессияга ҳавола этилган. Тан олишимиз керакки, биз бу муҳим масалани ҳамма республикалардан кейин муҳокама қилаяпмиз.

Шу муносабат билан кўнглимдаги бир фикрни ошкор қилмоқчиман. Кузатишимча, республика Олий Кенгаши кейинги пайтда айрим масалаларга зудлик билан муносабат билдиришга улгуролмай қолмоқда. Сессия чақириш, республикамизнинг турли чеккаларида яшайдиган 500 депутатнинг жамланиб келишини ташкил этиш осон иш эмас. Бунинг учун қанча саъй-ҳаракату оворагарчилик қилиш, қоларверса маблағ сарфлаш керак. Шу боисдан вакил этиб сайланган депутатлардан иборат доимий ҳаракатдаги парламент тузилса маъқул бўларди деб ўйлайман.

СУРАТДА: сессия қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Е. БОТИР олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Сиз Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Қозоғистонда хизмат қилаётган барча ўзбекистонликлар номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва турмушда фароғат тилайман. Эзгу тилаклар ила:

катта лейтенант Ғавсиддин ҲАМДАМОВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН, ТОШКЕНТ, ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Бутун халқ томонидан мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз билан астойдил қутловларимни қабул этгайсиз. Ўзининг муносиб фарзандини ўз мамлакатининг биринчи Президенти этиб сайлаб, ўзининг ҳозирги куни ва келажагини сизга ишониб топширган мустақил Ўзбекистон халқининг қувончига шерик бўлиш эстон халқига чуқур мамнуният туйғуларини бахш этади.

Салкам икки юз йил мобайнида Ўзбекистон пахтакорлари билан Эстония енгил саноат ходимларининг биргаликдаги меҳнати туфайли халқларимизга зарур бўлган юқори сифатли моллар ишлаб чиқарилмоқда. Ишонч билдириб айтамизки, сизнинг хайрихоҳлигингиз ва мададингиз билан мана шу ажойиб анъана ҳамкорликнинг янги шаклларида давом эттирилади ва такомиллаштирилади. Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик тилаймиз, ўз халқингиз бахт-саодати, давлатларимиз ўртасида тарихан таркиб топган алоқаларни сақлаб қолиш йўлидаги олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Эстония енгил саноат ва савдо президенти
Ю. КРАФТ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ПРЕЗИДЕНТ УРТОҚ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Бутун халқ Сизни суверен Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаганлиги муносабати билан Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти меҳнаткашларининг сидқидил қутловларини қабул этгайсиз. Катта-катта ташаббусларингиз амалга ошишида, Ўзбекистонни равнақ топтиришда муваффақиятлар тилаймиз. Халқларимиз кўп асрлардан бери дўст ва қардош бўлиб яшаб келмоқдалар. Ленинобод вилояти Ўзбекистонининг саккизта вилояти билан чегарадош. Одамлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Қардош халқларнинг дўстлиги бундан ҳам мустаҳкамланаверишига ишонамиз.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси
Т. МИРХОЛИҚОВ,
вилоят ижроия комитетининг раиси
Д. ШОКИРОВ.

ПУЛ ИСЛОҲОТИ ТЎҒРИСИДАГИ МИШ-МИШЛАР

МОСКВА. Яқинда эркин нарх-навога ўтилиши эълон қилиниши биланоқ молиявий ислоҳот бўлармиш, пул алмаштирилармиш деган миш-мишлар яна тарқади.

— Биз бу хусусда ҳеч қандай таклиф айтганимиз йўқ,— деди ТАСС мухбирига СССР давлат банкининг раиси Виктор Герашченко. — Россия молия идораларида ҳам бу ҳақда ҳеч қандай гап бўлмаганидан хабарим бор. Боз устига, бундай ишни техникавий жиҳатдан ҳам амалга ошириш мумкин эмас: жуда кўп миқдорда янги қоғоз пуллар босиб чиқаришга тўғри келган бўлур эди, босма дастгоҳлар эса бунингсиз ҳам жуда тиғиз ишламоқда.

Гарчи бундай миш-мишлар иқтисодий қийинчиликларнинг сўзсиз, натижаси бўлса-да, Виктор Герашченко бу гаплар сунъий равишда тўқиб чиқарилганини ва харидорларни ваҳимага солиш ниятида шундай қилинганини истисно этмади: ҳали вақт бор экан, ҳаммасини бир варакайига сотиб олавер, акс ҳолда кеч қоласан деган гаплар тарқатилмоқда. Чунки эркин нарх-навога ўтилиши ва нархнинг кўтарилиши билан қўлларида мол ушлаб турган кишилар уни сотишда катта қийинчиликка дуч келишлари, зиён кўришлари мумкин.

Давлат банки раиси 500 сўмлик қоғоз пуллар чиқарилиши муносабати билан бу пуллар қанча тайёрланиши ҳозирча номаълум эканини айтди. Бу, деди у, нарх-навонинг ўсиши ёки пасайишига боғлиқ бўлади. В. Герашченко йирик қоғоз пуллар асосан иш ҳақи кўп бўлган ва катта пуллар талаб қилинадиган Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ томонларига юборилиши мумкинлигини ҳам маълум қилди. Яқин орада минг сўмлик қоғоз пуллар ҳам чиқарилади: Гоголь айтганидек, бу «давлат пуллари» шу йилнинг биринчи ярмида пайдо бўлади.

(ТАСС).

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● **Авиация маршали Евгений Шапошников 2 январь куни Беларусь Республикасининг пойтахтига келди. Яхши хабардор манбалардан маълум бўлишича, бу ташриф Янги йил олдидан Минскда бўлиб ўтган кенгашдан сўнг Е. Шапошников Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатларга ҳамда ҳарбий округларга режалаштирган ташрифнинг биринчисидир. Бундай сафардан мақсад ҳарбий доктринанинг айрим жиҳатларини аниқлашдан иборат.**

● БМТнинг янги бош котиби Бутрос Гали пайшанба куни ўзининг биринчи иш кунини бошлади. Мазкур ташкилот тарихида биринчи марта Африка вакили, араб дунёсининг намояндаси бошлиқ бўлди. 69 яшар мисрлик — таниқли ҳуқуқшунос, олим ва дипломат.

Бутрос Гали эрталаб БМТ котибияти биносига кирганида шу ташкилот тизимидаги турли идораларнинг ходимлари, дипломатлар, журналистлар уни қарсаклар билан кутиб олишди. Осмонўпар иморатнинг 38-қаватида жойлашган бош котиб хонасида у хизматдошлар билан қисқа учрашув ўтказди. Бутрос Гали ҳамманн Янги йил билан табриклаб, самарали ҳамкорлик қилишларига умид билдирди.

Халқаро ташкилотнинг бош котиби лавозимини Бутрос Гали перулик дипломат Хавьер Перес де Куэльярдан қабул қилиб олди. Перес де Куэльяр кейинги ўн йил мобайнида БМТга бошлиқ бўлиб келган эди.

● **Буюк Британия бош вазири Ж. Мажор шу ойдан Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган буюк давлатлар раҳбарларининг учрашуви ўтказилишини таклиф этди. Рейтер ахборот бошқармаси ҳукуматдаги хабардор доираларнинг гапига асосланиб шу янгиликни тарқатди. 1992 йил бошланиши билан Хавфсизлик Кенгашига Буюк Британия раислик қилади.**

Учрашувда Россия Хавфсизлик Кенгашида ва умуман халқаро майдонда собиқ СССРнинг ворриси деб расмий равишда тан олиниши керак, деган фикр илгари сурилмоқда.

● Украинада жойлашган барча қўшинлар (стратегик ядро кучларидан ташқари) 3 январдан бошлаб бевосита ана шу республика Президентига ва Мудофаа вазирлигига бўйсундирилди.

● **«Янги йилда дўконлар пештахталарни тўлишига, молларнинг хилларн кўпайиб, сифатн яхшиланишига ишончим комил, лекин кўпгина молларни харид қилишга қурби етмайдиган ҳамюртлар сони кўпаймаса керак», — деди Молдова савдо вазири Валериу Бобуцак. «Халқ овози» рўзномаси мухбири билан суҳбатда. Кишинёв дўконларидаги ҳозирги вазият вазирнинг башорати тезда рўёбга чиқишидан далолат бермаяпти. Эрталаб озиқ-овқат дўконларининг кўпи бери эди. Одамлар сут, қатиқ, нон олиш учун ҳамон навбат кутишаяпти. Ичкарида эса моллар кўринмаяпти.**

● **Литва ҳукумати 1992 йилнинг бошидан республикадан олиб чиқиб кетиладиган ёки жўнатиладиган молларнинг энг юқори меъёрини ҳар бир киши учун минг сўмлик миқдорида белгилади. Литвадан сариёғ, пишлоқ, шакар, ўсимлик мойи олиб чиқиб кетиш маън этилади. Гўшт ёки гўшт маҳсулотларини ҳар бир киши бир килограммдан ортиқ олиб кета олмайди. Литва давлат чегарасидан ўтаётган кишиларга кўпи билан 40 литр бензин ёки дизель ёнилғиси, бир литр автомобиль мойи олиб ўтишга рухсат берилади.**

● **Германия ташқи ишлар вазири Ханс-Дитрих Геншер Ғарб давлатларига мурожаат этиб, тактик ядро қуролининг барча захираларини йўқ қилиб ташлаш ташаббуси билан чиқишга чақирди. У «Немис тўлқини» радиостанциясининг мухбири билан суҳбатда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи барча республикалар қуролсизланиш жараёнига жалб қилиниши лозимлигини айтди.**

● Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига одамийлик ёрдами бериш соҳасидаги ҳукуматларни мувофиқлаштириб туриш учун халқаро Қизил Крест делегацияси яқин орада Москвага йўл олади. Қўшма Штатлардаги Қизил Крест ташкилотининг катта вице-президенти Стивен Ричардо бу делегацияга бошчилик қилади.

(ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

Tabani GROUP OF COMPANIES

Табриклаймиз! Табриклаймиз! Табриклаймиз!

Покистон — Ўзбекистон

ТАБАНИ ГРУП

фирмаси Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти жаноб Ислом Каримовни шу юксак лавозимга сайланган муносабати билан самимий қутлашни ўзига шараф деб билади! Унга мустаҳкам соғлиқ, эсон-омонлик, Ўзбекистонни гуллаб-яшнаган, юксак маданиятли давлатга айлантирищ, халқ муносиб турмуш кечириши учун барча неъматларни яратиб беришга қаратилган хайрли саъй-ҳаракатларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

ТАБАНИ ГРУП

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ ДАСТУРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИДИР.

ТАБАНИ ГРУП

ҲАР ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДА ТУРЛИ-ТУМАН АЛОҚАЛАР ЎРНАТИШДАН МАНФААТДОР БАРЧА КИШИЛАРГА ЁРДАМЛАШИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА.

ТАБАНИ ГРУП

БУ «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ» — «АЭРОАЗИЯ», «ЎЗГЛАВЛЕГСНАБСБИТ» ИГИРУВ-ТЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ, ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК КЕНГАШИНИНГ «РОЕЛЬ» — «САЁҲАТ» МЕҲМОНХОНАСИДАН ИБОРАТ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, БУ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БАНКИ БИЛАН СУҒУРТА ВА БАНК БИЗНЕСИ БЎЙИЧА, «ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКДИР.

ТАБАНИ ГРУП

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛИЙ ФАОЛЛИК ТЕЗРОҚ ЎСИШИГА УМИД БОҒЛАЙДИ ВА БУНИНГ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАКЛАШАДИ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЯНГИ, 1992 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ. ҲАР БИР ХОНАДОНГА ХОТИРЖАМЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.

Муҳаммад АББОСХОН,
ТАБАНИ ГРУПнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги вакили.

Манзилимиз: Тошкент, Луначарский кўчаси, 115-уй, «Саёҳат» меҳмонхонаси, 318, 319-хоналар.
Телефон: 68-67-35. Факс: 68-67-55. Телекс: 116108 РТВ-91.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлаклари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, район, шаҳар, шаҳардаги район, қишлоқ, овул ва шаҳар посёлкасидан иборатдир.

I. ВИЛОЯТЛАР, РАЙОНЛАР, ШАҲАРЛАРДАГИ РАЙОНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР ҲАМДА ОВУЛЛАР ТУЗИШ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ

1-модда. Вилоятларни тузиш ва уларни тугатиш халқ депутатлари тегишли вилоят советларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Зарурат бўлган ҳолларда ушбу масалалар бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

2-модда. Районлар, шаҳар районлари тузиш ва уларни тугатиш халқ депутатлари бўлинаётган (тугатилаётган) район, шаҳардаги район ва тегишли вилоят, Тошкент шаҳар советларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

3-модда. Қишлоқлар ва овуллар тузиш ҳамда уларни тугатиш халқ депутатлари бўлинаётган (тугатилаётган) қишлоқ, овул советлари ҳамда халқ депутатлари тегишли район советлари раёсатларининг илтимослари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари вилоят советлари раёсатлари томонидан амалга оширилади.

II. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ШАҲАРЛАР, ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИ ТУРКУМИГА КИРИТИШ, ҚАЙТА ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ БЎЙСУНУВИНИ ЎЗГАРТИРИШ

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоқ жойларига бўлинади. Шаҳар жойларига шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари, қишлоқ жойларига эса қишлоқлар ва овуллар киради.

Шаҳарлар республикага, вилоятга ёки районга бўйсунувчи шаҳарлар бўлиши мумкин.

Шаҳар посёлкалари районлар таркибида ёки халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район советларининг маъмурий бўйсунувида бўлиши мумкин.

5-модда. Республикага бўйсунувчи шаҳарлар туркумига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказ ҳисобланган, аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни республикага бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш халқ депутатлари тегишли шаҳар ва вилоят советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

6-модда. Вилоятга, республикага (Қорақалпоғистон Республикасига) бўйсунувчи шаҳарлар туркумига камида 30 минг аҳолиси бўлиб, муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган, иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш ёки уларни қайта тузиш халқ депутатлари тегишли шаҳар, район ва вилоят советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади. Шаҳарларни республикага (Қорақалпоғистон Республикасида) бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

7-модда. Районга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган социал-маданий муассасалар тармоғи, савдо, умумий овқатланиш, манший хизмат кўрсатиш корхоналари бўлган, аҳолиси камида 7 минг кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳеч бўлмаганда учдан икки қисмини ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил қилган шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Бунда аҳоли пунктининг маъмурий аҳамияти ва келгусида ривожланиш истиқболлари ҳам эътиборга олинмоғи лозим.

Шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларини районга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш ва қайтадан тузиш халқ депутатлари тегишли посёлка, қишлоқ совети ҳамда район ва вилоят советлари раёсатларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

8-модда. Шаҳар посёлкалари туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа хил муҳим объектлар ёнида жойлашган ва аҳолиси камида 2 минг киши бўлиб, уларнинг ҳеч бўлмаганда учдан икки қисмини ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил қилган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳар посёлкалари туркумига, шунингдек санаторий ва дам олиш уйлари жойлашган, аҳолисининг умумий сони 2 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пунктлари ҳам киритилиши мумкин. Лекин бу ердаги санаторий ва дам олиш уйларига келган кишиларнинг сони шу аҳоли пунктида доимий яшаб турган аҳолининг камида 50 фоизини ташкил этиши шарт.

Алоҳида ҳолларда шаҳар посёлкалари туркумига аҳолиси 2 минг кишидан кам, лекин 500 кишидан кўп бўлган, жуда муҳим объектлар ёнида бунёд этилган аҳоли пунктлари, шунингдек бориш қийин бўлган ерларда жойлашган, иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиш ва аҳолисининг сони ортиши истиқболига эга бўлган аҳоли пунктлари ҳам киритилиши мумкин.

Аҳоли пунктини шаҳар посёлкалари туркумига киритиш халқ депутатлари тегишли қишлоқ совети ҳамда район советлари раёсатларининг илтимослари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари тегишли вилоят советларининг раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ, овул советлари ҳамда район совети раёсатининг илтимосига мувофиқ амалга оширилади.

9-модда. Қишлоқ райони таркибида бўлган шаҳар посёлкаларини халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район советларининг маъмурий қарамоғига бериш ёки халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район советларининг маъмурий қарамоғида турган шаҳар посёлкаларини қишлоқ райони таркибига олиб бериш халқ депутатлари тегишли посёлка совети ҳамда шаҳар ва район советлари раёсатларининг илтимосига кўра халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар советлари раёсатлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

III. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, РАЙОНЛАР, ШАҲАРЛАРДАГИ РАЙОНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР ВА ОВУЛЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА МАЪМУРИЙ МАРКАЗЛАРИНИ КЎЧИРИШ

10-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг чегаралари фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

11-модда. Вилоятларнинг чегараларини ўзгартириш, шунингдек маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари тегишли вилоят советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

12-модда. Шаҳарлардаги районлар чегараларини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар советлари раёсатлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли шаҳардаги район ва шаҳар советлари раёсатларининг илтимосларига кўра амалга оширилади.

13-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар доирасида районларнинг чегараларини ўзгартириш, яъни шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва айрим аҳоли пунктларини бир райондан иккинчисига ўтказиш, шунингдек қишлоқлар, овуллларнинг чегараларини ўзгартириш ва маъмурий марказларини кўчириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати, халқ депутатлари тегишли вилоят советининг раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ, овул советлари ҳамда район совети раёсатининг илтимосига мувофиқ амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда айрим қишлоқлар ва овуллар Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг фармони ва халқ депутатлари вилоят советлари раёсатларининг халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул совети, ҳамда район совети раёсатининг илтимосларига асосланган қарорлари билан район таркибидан халқ депутатлари шаҳар советининг маъмурий қарамоғига олиб берилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан шаҳар ёки шаҳар посёлкаси билан боғлиқ бўлган айрим қишлоқ аҳоли пунктлари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг фармони, вилоят советлари раёсатларининг халқ депутатлари тегишли қишлоқ советининг илтимосига асосланган қарорлари билан халқ депутатлари тегишли шаҳар ёки шаҳар посёлкаси советининг маъмурий қарамоғига олиб берилиши мумкин.

14-модда. Районларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари тегишли район совети ҳамда вилоят совети раёсатининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

IV. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ

15-модда. Қишлоқ жойларидаги бир-бири билан ўзаро туташиб кетган бир неча аҳоли пунктларини битта аҳоли пунктига бирлаштириш халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул совети ва район совети раёсатининг илтимосларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари вилоят советлари раёсатлари томонидан амалга оширилади. Бирлаштирилган аҳоли пунктининг номи қилиб, одатда, бирлаштирилаётган аҳоли пунктларидан бирининг номи сақлаб қолинади ёки унга ушбу қонунда белгиланган тартибда янги ном берилади. Бирлаштириб юборилган бошқа аҳоли пунктлари эса ҳисобдан чиқариб ташланади.

V. ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ

16-модда. Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул совети ҳамда район, шаҳар ва вилоят советлари раёсатларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

17-модда. Шаҳар посёлкаларининг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул совети ва район, шаҳар советлари раёсатларининг илтимосига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати ва халқ депутатлари вилоят советлари раёсатлари томонидан амалга оширилади.

VI. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛАКЛАРГА, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИГА, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

18-модда. Вилоятлар, районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли советларининг илтимосига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларига ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари вилоят советлари раёсатлари томонидан халқ депутатлари тегишли советларининг сессияларида қабул қилинган қарорлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

19-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига номлар умумдавлат манфаатлари, жўғрофий, тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда берилади ва ўзгартирилади.

Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларининг номи фақат алоҳида ҳоллардагина ўзгартирилиши мумкин.

20-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси ёки мазкур вилоятда бор бўлган, шаҳарлар ва районларга эса — Ўзбекистон Республикасида бор бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Вилоят, шаҳар, район, шаҳардаги район, қишлоқ, овул, шаҳар посёлкалари ва аҳоли пунктларига одамларнинг номи, шунингдек сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

22-модда. Корхоналарга, темир йўл станцияларига, аэропортларга, муассасаларга, ташкилотларга, ўқув юртлари ва бошқа объектларга, шунингдек маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига давлат, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар, ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбобларининг ҳамда бошқа хизмат кўрсатган кишиларнинг номларини бериш фақат уларнинг вафотидан кейин амалга оширилиши мумкин.

23-модда. Республикага ва маҳаллий идораларга бўйсунувчи корхоналар, темир йўл станциялари, аэропортлар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларига, жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва бошқа хил бирлашмаларга, шунингдек табиий жўғрофий объектларга ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

24-модда. Халқ депутатлари шаҳар, поселка, қишлоқ, овул советларига бўйсунувчи ҳудудда жойлашган маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, кўприклар ва бошқа иншоотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли халқ депутатлари советлари раёсатлари (районга бўйсунувчи шаҳар, шаҳар поселкаси, қишлоқ ва овулларда халқ депутатлари тегишли советлари ижроия қўмиталари) томонидан амалга оширилади.

25-модда. Маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктининг бошқа таркибий қисмларининг одамларнинг номини бериш халқ депутатлари тегишли советлар раёсатларининг илтимослари асосида халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар советлари раёсатлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Олий Кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

VII. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ҲИСОБ ҚИЛИБ БОРИШ ВА РУЙХАТГА ОЛИШ

26-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят доирасида мавжуд аҳоли пунктларини ҳисоб қилиб бориш ва янги пайдо бўлган аҳоли пунктларини рўйхатга олиш ишлари, халқ депутатлари район (шаҳар) советлари раёсатларининг илтимосларига мувофиқ, тегишлича, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари вилоят советларининг раёсатлари томонидан амалга оширилади.

Вақтинчалик аҳамиятга эга бўлган ва аҳоли доимий бўлмаган кичик (хўжаликлари сони 10 тадан ошмайдиган) аҳоли пунктлари алоҳида ҳисобга олинмайди, балки хўжалик, маъмурий ёки ҳудудий жиҳатдан улар қайси аҳоли пункти билан боғлиқ бўлса, ўша аҳоли пунктига қўшиб ҳисобга олинади.

Аҳолиси кўчиб кетган ёки бошқа жойга кўчирилган аҳоли пунктлари халқ депутатлари район (шаҳар) советлари раёсатларининг илтимосномаларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари тегишли вилоят советлари раёсатлари томонидан ҳисобдан чиқарилади.

Қонунда белгиланган тартибда шаҳар, шаҳар поселкаси доирасига кирган ёки бошқа аҳоли пунктлари билан бирлаштирилган аҳоли пунктлари ҳам ҳисобдан чиқарилган ҳисобланади.

27-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклари ифодаловчи атамалар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва зарур ҳолларда аутентик таржимада рус ва бошқа тилларда ёзилади.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар советлари раёсатларининг қарорлари маъмурий-ҳудудий бўлинишда ушбу қонунга мувофиқ юз берган ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига ҳар ойда хабар бериб турадилар.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларини тузиш, тугатиш, уларга ном бериш, номини ўзгартириш, аҳоли пунктларини шаҳарлар, шаҳар поселкалари тоифасига ўтказиш, қайта тузиш ва уларнинг бўйсунишини ўзгартириш, Қорақалпоғистон Республикасининг вилоятлар, районлар, шаҳарлардаги районлар, қишлоқлар, овуллар чегараларини ўзгартириш ҳамда уларнинг маъмурий марказларини кўчириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш, ҳисобга олиш ва қайд этиш, шаҳарлар ва шаҳар поселкаларининг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг фармонлари, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар советлари раёсатларининг қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси»да эълон қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 26 декабрдаги фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

«ТУРКИСТОН» ОШ БЕРДИ

Ўзбекистон ёшларигина эмас, ҳатто кексалари ҳам қўлдан қўймай севиб ўқийдиган, вақтли нашрлар орасида ўз овозию салмоғи бўлган «Ёш ленинчи» янги йилдан «Туркистон» номи билан чиқа бошлаганидан муштарийлар хабардордирлар. Шу муносабат билан кеча тушда рўзнома жамоаси ўзбек удумига хос хайрли иш қилди: ҳамкасбларига ош берди.

Таҳририятлар жойлашган бинодаги емакхонада ёзилган катта дастурхон атрофида рўзномаю ойномаларнинг қаламкашлари, қатор нашриётларнинг ходимлари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раҳбарлари гурунглашдилар. Санъатқорлар ўз қўшиқ ва куйлари билан даврага файз киритдилар.

Огоҳ бўлинг: госсипол!

ЖУВОЗ МОЙИ ФОЙДАЛИМИ?

Бу саволга дарҳол «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш қийин. Чунки, аввало, унинг нимадан олинганини билиш керак. Ўтмишда ота-боболаримиз кунжут, қовун уруғи ҳамда бор-йўғи 5—10 фоиз миқдорида пахта чигити аралашмасидан ёғ ажратиб олиб, уни зиғир ёки жувоз ёғи деб айтишган. Ва у ғоят даражада ҳушхўр бўлган.

Ҳозир-чи? Аксарият ишбилармонлар томонидан ташкил этилаётган кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган «жувоз ёғи» асосан пахта чигитидан ажратиб олинаяпти. Ва бу билан улар гўё озиқ-овқат танқислигига барҳам беришга ҳисса қўшаётганмишлар.

Юзаки қараганда тўғри. Аслида бундай кичик корхоналарда тайёрланаётган «жувоз ёғи»нинг истеъмолга яроқли эмаслигини кўпчилик билмайди. Чунки одамлар пахта мойини ажратиб олиш технологияси билан таниш эмас. Ишбилармонларнинг фикрича, чигит ёғи ажратиб олинса бас, уни таом тайёрлашда ишлатиш ва истеъмол қилиш мумкин.

Йўқ, чигитдан ёғ ажратиб олиш билан муддаога етиб бўлмайди. Чунки чигит таркибидаги ёғда турли хил моддалар бор. Уларнинг барчаси ҳам фойдали эмас, аксинча, зарарли ва ҳатто кучли заҳардан иборатлари ҳам мавжуд. Жумладан, госсипол ана шундайлардан ҳисобланади. Чигит ёғида 0,15 фоиздан 2,86 фоизгача госсипол бор. Бу модда ўта заҳарли бўлиб, ёғ таркибидан ажратиб олинмаса, кунжарада кўп миқдорда қолса, тирик организм учун ғоят зарарлидир. Саноат усулидаги чигитдан ёғ ажратиб олинганда ёғ ва кунжара таркиби ана шу заҳардан тозаланади. Шу боис давлат корхонасида тайёрланган пахта мойининг ташқи кўринишию таъми жувоз ёғинникидан мутлақо фарқ қилади. У сариқ рангда ва шаффоф. Жувоз мойининг ранги эса қора ва қуюқроқ. Чунки у ҳали тўла тозаланмаган. Таркибидан госсипол ажратиб олинмаган. Ахир бу мураккаб технологик жараённи кичик-кичик корхоналарда амалга ошириб бўлмайди. Таркибида госсипол қолган пахта мойи истеъмол қилинганда госсипол ҳазм бўлмайди, зарарсиз ҳолатга келмайди, аксинча — оз-оз тўпланиб борадию ошқозон ва ичакларни яллиғлантиради, юрак, буйрак касалликларининг ривожланишига олиб келади. Таркибида госсипол кўп бўлган кунжара билан боқилган ҳайвонлар оёғи шол бўлади. Шу боис мен мутахассис сифатида кичик корхоналар раҳбарларига ана шу гапларни айтишни лозим топдим. Чунки қош қўяман деб, кўз чиқармайлик. Экологик ҳолатнинг ёмонлиги туфайли халқимиз ўз саломатлигини шусиз ҳам йўқотмоқда. Пахта чигитидан жувоз усулида ажратиб олинган ёғни аҳолига сотиб, дард устига чипқон қилмайлик.

Тўғри, пахтачилик хўжаликлари ҳосилнинг 95 фоизидан ортиғини ўз ихтиёрлари билан ишлатиш ҳуқуқига эга. Аммо бу жумҳуриятимиздаги барча жамоа ва давлат хўжаликлари тасарруфларидаги чигитдан ўзбошимчалик билан мой ажратиб олиш йўлга қўйилсин, деган эмас. Ана шу чигитни шартнома асосида саноат корхоналарида қайта ишлатиб ёғ, кунжара ва шелуха олишлари ҳам мумкин.

Шундай қилинса, пахтачилик хўжаликлари ортиқча ташвиш ва югур-югурдан фориғ бўлишади ва чигитдан тоза ёғ олиниб, эл саломатлигига путур етмайди.

Бу ишни пайсалга солмай, тез амалга ошириш зарур. Акс ҳолда Орол ва Чернобиль фожиасидан ҳам даҳшатлироқ ҳолга дуч келиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Юсуфжон ЁҚУБОВ,
техника фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Хом ашё етмаганлиги учун тўхтаб қолган Янгийўл биокимия заводи цехида иш яна жонланди. Энди бу ерда аёлларимиз пардози учун асқотадиган «Женьшень» суви ишлаб чиқарилаяпти. Жамоа шифобахш илдизни Москва технология институтидан олиб келиб кўпайтирди. Ҳозирги пайтда кунига 2,5 минг шиша «Женьшень» суви тайёрланмоқда.

Янгийўл микробиологлари яқинда «Женьшень» суви аралаштирилган шампунь ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчилар.

ЁШЛАР ДАРОМАДИ

Олтиариқ район ёшлар иттифоқи тасарруфидаги хўжалик ҳисобида ишловчи «Импульс» ёшлар марказида гиламчилик цехи тикланди. Бу ерда тўқилган дастлабки нафис гиламлар сотиш учун тайёрлаб қўйилди.

Ёшлар ишни райондаги 13-ўрта мактабнинг эски устахонасини цех учун мослаштириб таъмирлашдан бошлашди. Хоналарни иситиш учун табиий газ ўтказилди. Гилам тўқиш дастгоҳлари ўрнатилиб, 40 нафар ёш 25-ўрта ҳунар техника билим юртида гилам тўқиш илмини ўрганди. Бир йилга етгулик хом ашё ғамлаб олинди.

Ҳозир мазкур цех фаолияти кенгайтирилмоқда. Бу ерда палос тўқиш ҳам йўлга қўйиляпти. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё шартнома асосида Хоразм вилоятидан келтириладиган бўлди. Тармоқ кенгайиши ҳисобига бир сменада 30 киши иш билан таъминланади. Шугина эмас, район ёшлари ўз товуқ фермаларига ҳам эгалар. Транспорт воситаси билан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам ижобий самара бермоқда.

«Импульс» ёшлар марказида ишлаб топилган маблағ район ёшларининг дам олишларини ташкил этиш, қишлоқлардаги мактаб қурилишига кўмаклашиш ҳамда ўн нафар аълочи ўқувчини доимий стипендия билан таъминлаб туриш учун сарфланади.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ТУФАЙЛИ

Ленинград районидаги М. Деҳқонов номли жамоа хўжалиги қишга тайёргарлик бўйича Фарғона вилоятида энг яхши деб эътироф этилди. Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Дастлаб чорвачилик бинолари таъмирланди, иситилди. Барча зарур техника, озуқа тайёрлаш цехидаги ускуналар барвақт шай қилиб қўйилди. Чорва қишлови учун жамғарилган 3400 тонна силос, 1200 тонна беда пичани, 900 тонна дағал хашак, 500 тонна хашаки лавлаги чорвани кўкламгача беталофат, сут миқдорини камайтирмай олиб чиқиш учун етарлидир.

— Қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш келгуси йил кўрсаткичларига ҳам таъсирини ўтказади, — дейди ферма мудири Абдуллажон Ҳожиматов. — Ўтган йилги тажриба бунга яққол мисол бўла олади. Озуқадан зориқмаганлигимиз учун ҳам бу йилги сут топшириш режамизни муддатидан бир ярим ой барвақт уддаладик. Мавжуд 392 бош соғин сигирнинг ҳар биридан уч минг килограммдан ортиқ серқаймоқ сут соғиб олдик.

(ЎзТАГ).

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорининг 4-банди охирги абзацидаги дастлабки жумла қуйидагича ўқилсин:

Белгиласинки, талон бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ амалга оширилади.

Шу қарорга 3-иловаининг 1-банди қуйидагича ўқилсин:

1. Белгиланган нормалар бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган товарлар:

Шу иловадаги «мол ёғи» ном раси ўсимлик ёғи деб ўқилсин

Депутатлик ҳаловат эмас

МИЛИЦИЯДАГИ РУСТАМИ ДОСТОН

— ГЕНЕРАЛ БЎЛИШ БОШҚАЮ, ДЕПУТАТ БЎЛИШ БОШҚА ЭКАН, — ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ГЕНЕРАЛ-МАЙОР РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ.

УНИНГ Ўзбекистон Олий Кенгаши биринчи сессиясида сўзлаган ҳаяжонли нутқини ҳали-ҳали кўпчилик эслаб юради. Бу айрим депутатлар учун ёп-ёруғ кунда чақмоқ чаққандай, бирдан момақалдироқ гулдурос солгандай таъсир қилди:

— Агар Ўзбекистон мустақиллик сари қадам қўйса, марказга итоат этмайдиган Мудофаа вазирлигига албатта эга бўлиши лозим. Жумҳурият прокурори, ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлиги комитети раиси марказнинг тавсиясисиз, Москванинг фатвосисиз, Ўзбекистон Президентининг фармони билан тайинланишлари керак. Шундагина биз орзу қилаётган чин маънодаги мустақиллик сари дадил қадам қўйган бўламиз.

Улкан зал «исёнкор» генералнинг шиддатли сўзларидан гўё сеҳрлангандай бир неча дақиқа жим қолди. Сўнгра ҳар ер-ҳар ердан қарсаклар эшитилди. Лекин депутатларнинг кўпчилиги бу таклифга бироз ҳадиксираш билан қарагани ҳеч кимга сир эмас.

Биринчи танаффусдаёқ махсус чопарлар генералнинг «ҳибс»га олишди. Уни жумҳурият кадрлари тақдири учун «бош жавобгар», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. Ефимов ҳузурларига чорлаётганини айтишди. Иккинчининг авзойи бузуқ эди. Салом йўқ, алик йўқ — ўдағайлай кетди:

— Ўртоқ депутат, генераллик мундири катталик қилиб қолдими?! Республикада кадрлар масаласини, вазирликлар, комитетлар тақдирини ҳал этадиган марказком бор, ҳали Москванинг қўллари узун. Расми — бундай масалаларни кўтараётганда биз билан маслаҳатлашилади. Сиз вилоят тинчлиги ҳақида кўпроқ бош қотиринг. Фаолиятингиз, шахсингиз устида ҳам гап кўп. Бундан кейин ўзбошимчалик бўлмасин!

Жумҳуриятдаги иккинчи сиёсий шахс сўнгги жумлани генералга гўё маршалнинг буйруғидай ифода этди.

«Исёнкор» генералнинг таклифлари марказга мўлтираб қараб турадиган айрим раҳбарларга хуш келмаган бўлса ҳам кўпчилик уни дадиллиги, ўринли таклифлари учун қутлади. Айниқса, 409-Марғилон сайлов округи сайловчиларининг қувончлари чексиз эди. Улар Ўзбекистон халқ депутатлигига беш номзод орасидан Рустамжон Абдуллаев номзодини тўғри танлаб олишганига яна бир карра ишонч ҳосил қилишди.

Депутатнинг таклифлари ўша пайтда эътирозларга сабаб бўлса, орадан ҳеч вақт ўтмай воқеликка айланди. Жумҳуриятимиз чинакам мустақилликка эришиши туфайли генералнинг таклифлари тўла исботланди. Мудофаа ишлари вазирлиги тузилиб, жумҳуриятдаги ҳарбий ишларни ўз назорати остига олаяпти. Давлат хавфсизлиги комитети Москвага қарамликдан батамом қутулди. Прокурорлар, ички ишлар маҳкамалари раҳбарларини тайинлашда марказдан, «оқ фотиҳа» олинмайди.

Биз воқеалар тизгинидан бироз илдамлаб кетдик. Чунки бу ниятлар амалга ошгунга қадар «бебош генерал» қанчадан-қанча тазйиқларга учради, иғволар уюштирилди, туҳмату бўҳтондан иборат, текширилиши қонун билан таъқиқланган имзосиз хатлар «ишга солинди», «каззобнинг қилмишлари» игнанинг тешигидан ўтказилди. Фақат сўнгги бир ярим йилда Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими беш марта, Давлат автомобиль инспекцияси икки марта, бошқарма аппарати қайта-қайта ғалвирда эланди, хуфёна кузатувлар уюштирилди. Москвадаги «Август фитнаси» кунларида эса генерал истиқомат қилаётган ҳовли алоҳида сирли нишонга олинди.

Жумҳуриятнинг ўша пайтдаги ички ишлар вазири, фақат фуқаролик паспортидаги «миллати» деган жойга «ўзбек» деб ёзилиб қолган, «салом-алайкум»дан бошқа ўзбекча каломни билмайдиган Вячеслав Камолов билан бебош генералнинг муросалари келишмай қолди. Вазирлик ҳайъатининг мажлислари одатда рус тилида олиб бориларди. Бу «анъана»ни биринчи бўлиб генерал Абдуллаев бузди: вазирликда вилоятдаги аҳвол тўғрисида ўзбекча ахборот бера бошлади. Бундан вазирнинг фиғони фалакка чиқди, ориятдан нафсоний устун келди:

— Ўртоқ генерал! Сиз колхозчилар, қишлоқ кишилари олдида эмас, расмий идорада ҳисобот бераяпсиз. Шунинг учун ҳам рус тилида гапиринг! Хоҳласангиз буни буйруқ деб тушунинг!

Вазирнинг фиғони беҳудага кўкка чиққани йўқ. Чунки Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирига ўзбекча ахборотни кимдир таржима қилиб бериши керак эди. Бу воқеа бундан бир-икки йил аввал эмас, яқинда — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг икки йиллиги арафасида бўлиб ўтганди.

Хайриятки, мустақиллик бундай тил билмасларнинг ковушини тўғрилаб қўйди.

— Мен Фарғонага келгунга қадар жумҳуриятнинг турли районлари, шаҳарлари, вилоятларида меҳнат қилдим. Хизмат тақозоси билан турли даражадаги советларга депутат этиб сайланганман, — дейди Рустам Абдуллаев. — Лекин Ўзбекистон халқ депутатининг масъулияти бошқа экан. Жумҳуриятимизда генераллар бармоқ билан санарли, халқ депутатлари эса кўп. Лекин генерал бўлиш бошқа-ю, депутат бўлиш бошқа экан. Генераллик унвони менга лавозим ва касбим туфайли берилган, депутатликни эса халқ ишониб топширган. Шунинг учун ҳам элюрт хизматкори вазифасида бўлишни ўзимга ҳам юксак масъулият, ҳам фарзандлик бурчи, ҳам миллатим олдидаги қарзим деб тушунаман.

Ҳозирги алғов-далғовли, инқирозли замонда депутатларга талаб ҳам, сўров ҳам ўзгача. Иқтисодиётдаги узилишлар, тақчиллик, кундалик ҳаётдаги етишмовчиликлар юки шуларнинг зиммасида. Лекин шундай пайтда ҳам Рустам Абдуллаев сайловчилар наказларини бажаришга ҳаракат қилаяпти. Одамлар ундан аҳолига ер, томорқа, уй-жой масалаларини ҳал қилиб беришда кўмак сўрашганди. Бу иш билан жиддий шуғулланди. Округ ҳудудидаги аҳолига уй-жой қуриш учун 123 гектар ер олинди. Яна 100 гектар ер ажратиш масаласи ҳал бўлиш арафасида. Маҳаллаларда масжид қурилиши расм бўлаётган пайтда пишиқ ғишт масаласи муаммолигича турибди. Бу жиҳатдан ҳам депутат баҳоли қудрат ёрдам берояпти. Округ ҳудудидаги қатор қабристонлар ободонлаштирилди, атрофи ўраб олинди, маросимлар ўтказиладиган хоналар очилди. Фрунзе номли, Иттифоқ, Теракгаги маҳаллаларида эса асфальт қилиниши лозим бўлган кўчалар кенгайтирилиб, «қора тўн» ётқизилди, «Партия ХҲV съезди», Бауман номли кўчаларга эса зангори олов келтирилди. Эндиги вазифа — Пиллачи ва Беҳзод кўчаларини ҳам газлаштириш. Депутатнинг аралашуви туфайли «Марғилон — Эшонгузар темир йўл вокзали» бўйлаб автобус қатнови мунтазам йўлга қўйилди.

Амалга оширилган бу ишлар ҳақида менга депутатнинг ўзи ҳикоя қилиб бергани йўқ. Вилоят советининг депутатлар билан ишлаш бўлимига 409-Марғилон сайлов округидан бир гуруҳ сайловчилар — уруш ва меҳнат фахрийлари хат йўллашиб, ўз депутатларига миннатдорчилик билдиришган экан. Илгарилари бундай хатлар район, вилоят, жумҳурият кенгашларига тез-тез келиб турарди. Баъзан шундай миннатдорчилик хатлари уюштирилганлиги ҳақида ҳам эшитиб қолардик. Шу боисдан хат муаллифлари билан учрашув учун Теракгаги маҳалласига бордим. Имзо чеккан фахрийлар А. Мақсудов, Ҳ. Пўлатов, А. Турсунов, Ҳ. Шокиров ва бошқалар мактуб анча аввал ёзилганлигини, шундан кейин ҳам депутат Абдуллаев одамларнинг анча-мунча хожатларини чиқарганлигини таъкидлашди.

Яқинда депутат бир гуруҳ сайловчилар билан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига борди. Сабаби: қатор хонадонларга зангори олов олиб келингану, лекин газ горелкаси-калваги йўқлиги учун олов ёнмай турган экан. Рустам Абдуллаевич ва ҳамроҳлари калвак тайёрлайдиган корхонада бўлишибди. 70 та шундай мослама яқин кунлар ичида Теракгаги, Беҳзод маҳаллаларига келтирилади. Яқинда Теракгаги маҳалласи ҳудудида 280 ўринли болалар боғчаси қурилиши учун Киров номли жамоа хўжалиги ерларидан бирektар ер майдони ажратилди.

Депутатнинг хизмат бўйича асосий вазифаси— халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашмоқ. Бу борада ҳам у эл-юртга яқиндан кўмак бераяпти. Жиноий жавобгарликка тортилиб, жазони жумҳуриятимиздан ташқарида ўтаётган, оилавий шароити оғир, жинояти жамият учун хавфли ҳисобланмаган айрим шахсларни жумҳурият, вилоят ҳудудига олдириб келиш, уларни вақти-вақти билан оила аъзоларига учраштириш сингари саховатли ишларни ҳам зиммасига олган. Айниқса, ёшларнинг ҳарбий хизмат бурчини республиканинг ўзида ўташлари масаласини биринчилардан бўлиб Рустам Абдуллаев ўртага қўйганди. Бу хусусда вилоят совети сессияларида куйиб-пишиб гапирганлигига ни ота касбида ишлашга таклиф қилишди. Дастлаб ички хизмат эксперти, кейинчалик жиноят қидирув бўйича катта оператив ходим вазифаларида бўлди. 1972 йилда Оҳангарон район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозимига таклиф этишди. Орадан икки йил ўтиб, ўттиз яшар катта лейтенантни Юқори Чирчиқ район ички ишлар бўлими бошлиқлигига тайинлашганда кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлаганди. Миқти гавдали, чаққон, ўт-олов бу йигит районда жиноятчиликка қарши курашга раҳбарлик қила олармикин, деб ўйлашганди. Ахир, катта лейтенантнинг ўринбосарлари — подполковниклар кўпни кўрган милиция ходимлари эдилар-да!

1979 йилда жиноятчилик соҳасида бутун Ўрта Осиёга танилган Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимига бошлиқ бўлиб келди. Салкам 60 йиллик тарихга эга бу шаҳар милициясига биринчи бор ўзбек йигити бошчилик қилиши эди. Шаҳарда асосан европаликларга мансуб, рус тилида гаплашадиганлар меҳнат қилардилар. Фуқароларнинг асосий қисми — ишчилар. Шунинг учун ҳам кўпчилик Абдуллаев шу ерда ишни эплай олмайди, шармандаси чиқади, деб ўйлаганди. Аксинча, беш йил ичида жиноятчилик кескин камайди. Айниқса саноат корхоналаридаги ўғирликлар анча қисқарди. Р. Абдуллаев муддатидан илгари подполковник унвонини олди. Шуни эътиборда тутиб 1984 йилда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосарлигига тавсия этишди.

— Ўша ерда биринчи марта қонхўр Гдлянга юзма юз келдим, — дейди Рустам ака. — У мен билан суҳбат қилгунга қадар бутун ҳаётимга, ички ишлар маҳкамаларидаги фаолиятимга доир далилларни йиғиб қўйган экан Яна ўзига хос антиқа «совға» ҳам тайёрлабди: у олдимга ҳарбий хизмат даврига оид хужжатларни ташлади.

Гап нима ҳақда эканлигини тушунган бўлсангиз керак, — деди айёрона тиржайиб. — Бизда оддий солдат Абдуллаев хизмат бурчини ўташ мобайнида қандай қилиб кичик лейтенант унвонини олганлиги ҳақида асосли далиллар бор. Отангиз қисмга неча марта борганлиги, командирларга қандай совға-салом тортиқ қилгани, пора берганлигини ўзингиз айтсангиз жиноятни енгиллаштиришга фойдаси тегишини эслатишнинг ҳожати бўлмаса керак. Шу тушунтириш ҳатига Эргашев собиқ министрга қанча пора бериб, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимини сотиб олганлигингизни ҳам қўшиб қўйинг!

Мен бу гапларнинг барчаси сафсата, иғво эканлигини шарт-шартта айтиб, туҳмат учун қонун олдида жавобгарлик борлигини айтгандим, у муғомбирона кўзларини сузиб, кибрли кулишини намойиш қилиб, «Мен ҳеч қачон адашган эмасман», деди. Албатта, буларнинг ҳаммаси инсон тақдири, оиласи, қадр-қиммати, ор-номусини писанд этмай, бир чумолидай эзиб ташлайдиган Гдляннинг «оддий» усулларидан бири эди. Кейинчалик «ўзбеклар иши»нинг ошкор бўлган айрим бобларидан аёнки, ҳатто бир пақир шотут, тўёна чопон, бир пиёла чой ҳам «пора» сифатида жилд-жилд ишларда қайд этилган экан.

Барибир адолат тантана қилди. «Абдуллаев иши» миллатлар жаллоди, дашноқлар вориси Гдляннинг пучга чиққан тўқмаларидан бири бўлди. Чунки ҳарбийда салкам тўрт йил йигитлик бурчини ўтаган Рустамжон намунали, интизомли солдат эканлиги учун қисм командирлари томонидан бир неча бор рағбатлантирилган, икки марта қисқа муддатли дам олишга рухсат берилган, отаси унинг ҳузурига бормаган экан.

Лекин барибир, шаддод Гдлян Абдуллаев тақдирига соя ташлашга, шаънига қора чаплашга эришади. У Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланиш учун ҳамма зинапоялардан ўтиб, бугун-эрта шахсий составга тавсия қилиниши керак эди. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, унинг номзоди рад этилди. Гдлян вилоят партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи котиби, муштарийларимизга мақола ибтидосидан яхши таниш А. Ефимовга баъзи нарсаларни шипшитиб қўйган экан. Вилоят ички ишлар бошқармасига ўзбек йигити тайинланишига тиш-тирноғи билан қарши биринчи котибга бу фитна ёғдай ёқиб тушибди Ўзбекистонда кадр қуриб кетгандай Навоий вилояти ички ишлар бошқармасига «аҳволни ўнглаш» учун Омскдан Тришкин деган кимса олиб келинди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бу «адолат посбони» бадном бўлиб, юртига қайтиб кетди.

Шундан сўнг Рустам Абдуллаев Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиқлигига таклиф этилди. Фарғона воқеалари бутун Ўзбекистонни, мамлакатни ларзага солиб турган кезларда эса Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарлигини зиммага олди. Ўшандан буён қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди Бошқармада алоҳида вазиятларда ишлашга мўлжалланган бўлинманинг ташкил этилиши бевосита генерал Абдуллаев номи билан боғлиқ. Ҳозир мазкур бўлинма жумҳуриятдаги энг намунали ҳисобланади. Унинг машғулотларини кузатган ўша пайтдаги СССР ички ишлар вазири ўринбосари генерал-лейтенант Шилов фарғоналик изқуварлар маҳоратига юксак баҳо берганди.

Вилоят бошқармаси қошида ички ишлар маҳкамаларида ишлашни хоҳловчиларнинг резерв мактаби ташкил этилди. Жумҳуриятда биринчи бўлиб отлиқ милиция фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир ана шу бўлинма соқчилари ҳисобида юздан ортиқ от бор.

Касб-кор тақозоси туфайли генерал Абдуллаев билан тез-тез мулоқотда бўламан. Унинг адабиётга, санъатга, миллатимиз, юртимиз тарихига муҳаббати, дунёқараши бутунлай бошқача, она диёримизга фарзандлик ифтихори билан уйғунлашган. Европа адабиётини деярли мукаммал билади. Федор Достоевский асарларидан бобларни, Куприн ҳикояларини, Бедилнинг фалсафий шеърларини, Навоий ғазалларини ҳам рус ҳам ўзбек тилларида тутилмасдан ёддан ўқиб беради. «Чарлз Диккенс романларисиз Европа кишисини билиш мумкин эмас, Бальзак ва Мопассан ҳикоялари эса аёл қалби билан ошно бўлишда энг яқин маслаҳатгўйдир», — дейди у.

Генералнинг яқинлари айтишларича, у бўш вақтларида бадиий ижод билан ҳам шуғулланаркан. Лекин машқларини фақат оила аъзолари даврасида ўқиб берар, ошкора қилишни умуман хоҳламас экан. Албатта, бизнинг инқирозли давримизда адабиёт ва санъат учинчию тўртинчи даражали эҳтиёжга айланиб қолаётган кезларда милиция сардори Абдуллаевнинг вақт орттириб адабиётнинг сўнгги намуналаригача танишиб чиқиши, ўз фикрини баён қилишини олқишлаш керак.

Яқинда Рустамжон Абдуллаевга «Иттифоқда хизмат кўрсатган ички хизмат ходими» унвони берилибди. Бу мукофот билан табриклаш учун хизмат хонасига йўқлаб бордингдим, уни сайловчилари ҳузурига кетган, деб айтишди.

Эртаси куни у кишини учратиб қолиб, сайловчилари яна не сабаб билан йўқлащганини сўрадим. Генерал мийнғида кулиб «газ горелкалари—калваклари етиб келганлиги учун миннатдорчилик тариқасида ошхўрликка чақиришган экан», деб қолди.

Қани энди, ҳамма ҳам ўз депутатини шунақа ошхўрликка чорлаб турса.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Султон-Саодат жамулжами (комплекси) X-XI-XVII асрга оид архитектура ёдгорлиги бўлиб, Термиз районининг «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. У пайғамбаримиз Муҳаммад Салоллоҳу Алайҳи вассалам авлодлари ворислари — термизлик сайидлар сағанаси устига қурилган ёдгорликдир.

Шундай гўзал обиданинг, гарчи давлат томонидан муҳофаза қилинаётганлиги тахтачада (амалда эмас) муҳрланган бўлсада, бугунги кунда қаровсиз ҳолда ётгани кўксида миллий ғурури бўлган ҳар қандай кишини лоқайд қолдирмайди.

Б. ЕРКАБОЙ олган сурат.

Мозий—бош устоз

ЧАШМАКИ, ТУБСИЗ

Элимиз маданият бобида улкан меросга эга ва бу мерос турли-туманлиги, сермазмунлиги билан узоқ ўтмиш лавҳаларини акс эттирувчи кўп саҳифали сирли китобга ўхшаб кетади. Унинг ҳар бир саҳифасини ўқиб-ўрганиш орқали ўлкамиз халқларининг ранг-баранг маданий-маънавий мероси оламига кириб борилади. Албатта, бу осон эмас. Археолог олимлар ер қатларидан, шарқшунослар ёзма мероснинг сарғайган варақларидан, қолаверса жуда кўп фан соҳалари олимлари катта машаққатли изланишлар эвазига маълумот тўплайдилар, тадқиқот олиб борадилар. Бироқ биз яқин ўтмишда гоҳ европача удуму қарашларга юкиндик, гоҳ маданий меросимиздан узоқлашиб кетдик. Айниқса, 20-60 йиллардаги ўтмишга муносабатимиз дарахт шохида туриб танасига болта ураётган калтабин кишининг аҳволини эслатарди. Ҳатто «Бешиқнинг зарари», «Исириқ — ўтмиш иримн», «Дуохонлик — кўзбўямачилик» каби мавзуларда матбуот орқали халққа тавсиқот қилдик. Ҳозир эса бу «қусур»лар мозий синовидан ўтган қадриятлар эканлиги маълум бўлиб қолди.

Мустақиллик шарофати билан жуда кўп нарсаларга кенгроқ қараш ва мулоҳаза қилиш имконига эга бўлмоқдамиз. Демак, халқ онгини узоқ ўтмиш давомида мавжуд бўлган маънавий маданият қадриятлари билан бойитмоқ лозим. Худди шу мақсадда Маънавий маданият тарғибот марказини ташкил этилди. Ҳозир марказ тевирагида уюшган олиму жонкуярларимиз улуғ мутафаккирларимизнинг илмий-фалсафий меросини, ўлкамиз халқлари маънавий маданият қадриятларини тарғибот қилиш билан шуғулланишаяпти. Тўқум маърузалар, баҳслар, семинарлар, илмий қурултойлар, дин, ҳурфикрлилик ва бошқа туркумдаги доимий ўқув ташкил этиш каби ишлар асосида тўпламлару тасвирли китобчаларни нашрга тайёрлаш, кўчма ва доимий кўргазмалар ташкил этиш ҳам иш режамизда бор.

Тарғибот марказимиз илмий-йўриқчи тарғибот муассасаси бўлиб, фан ва маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ҳамда жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради. Келажакда хорижий муассаса ва ташкилотлар билан халқаро илмий ва маданий алоқаларни ўрнатиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Шунингдек, тарғибот марказимиз қошида «Ихлосия» ва «Иймон» дорилфунунлари фаолият кўрсатаётир. Уларнинг тарғибот мавзулари жуда кенг. Масалан: «Пойингизга бош урай», «Аёл — олам чироғи», «Алла айтинг, онажонлар», «Яхши оила — саодат рамзи», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Нон — ризқу рўзимиз», «Урф-одатлар халқ қалбидир» деб аталмиш мавзулар «Ихлосия» дорилфунунининг фаолиятига киради. «Иймон» дорилфунуни эса «Ислом Ўрта Осиё халқлари тарихида», «Ислом таълимоти ва ваззхонлик илми», «Инсон табиати ва унинг ислом таълимотидаги талқини»дан иборат учта йўналишни тарғиб этади, ҳадис, тасаввуф, илмий ваззхонлик, савоб ва гуноҳ, илоҳиёт мавзуларида илмий мунозаралар уюштиради.

Вилоятларда ҳам марказнинг бўлимлари очилган ва бундан кўзланган мақсад одамлар ичида сақланиб қолган маънавий-маданий қадриятларни жамлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш...

Яқин келажакда яхшигина кўргазма зали барпо этишни мўлжаллаяпмиз. Унда замонавий техника жиҳозларидан фойдаланиб «Ўрта Осиёлик мутафаккирлар» ва «Халқ анъаналари — тарихий маънавий қадрият» мавзуларида кўргазмалар ташкил қилинади. Ана шундай кўргазма зали бора-бора кўпчиликнинг, жумладан, хорижий меҳмонларнинг ҳам эътиборини ўзига тортувчи жойга айланишидан умидвормиз.

Ишни олиб бориш учун кўзга кўринган олимлар, маданият ходимлари ҳамда ушбу соҳага дахлдор маъмурий муассасалар вакиллари аъзо бўлиб кирган илмий-амалий услубий кенгаш тузганмиз. Лекин, тан олиш керак, тарғибот даргоҳимизнинг имконияти талабга тўлиқ жавоб беролмайди. Унга ажратилган давлат маблағи жуда кам. Тўғри, ҳозир иқтисодимиз касодга учраган, маблағ топиш қийин. Аммо халқни ўз маънавияти билан қанчалик кўпроқ таништирсак, жамиятимиз шунчалик тез соғломлашади. Негаки безорилик, ўғрилик, бепарволик каби иллатлар йўқола борса, улар ўрнини одамийлик, тўғрилик, меҳр-шафқатга ўхшаш қадриятлар эгаллаши худди шу тарғиботнинг самарадорлиги, кўламига боғлиқ. Соғлом жамият эса юрт иқтисоди ривожининг гаровидир. Демак, ҳозир сарф этилган арзимас маблағ эртага катта иқтисодий, ҳам маданий мадад бўлиб ўзимизга қайтади.

Дарвоқе, кенгашимизнинг ўтган йиғилишларидан бирида марказ таркибидаги «Ихлосия» дорилфунунининг номи билан марказнинг ўзини аташга қарор қилдик. Энди идорамиз «Ихлосия» маънавий маданият тарғибот маркази» деб юритилади. Бу ном бизни беш асрлик тарихимизга, Алишер Навоий замонига элтиши, бизга руҳий мадад бериши шубҳасиз. Чунки улуғ бобомиз ўз даврида жуда кўп маданий-маърифий обидалар қаторида «Ихлосия» мадрасаси қурилишининг ҳам бошида турганлар. Ўз даврининг етук олимларидан Бурҳониддин Атоуллоҳ Нишопурий, Ҳасан Турбатий, Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий кабиларни мадрасага мударрис этиб тайинлаганлар. Мадраса атрофида «Халосия», «Шифоия», масжиди жоме, «Дор ул-ҳуффоз» (Қуръон қорилар уйи) каби бошқа маънавий даргоҳлар ҳам очганлар.

Ажаб эмас, биз ҳам шундай қутлуғ йўлга чиқиб олсак, улуғ шайх боболаримизнинг руҳи мададкор бўлиб ишларимиз бундан-да жадалроқ юришиб кетса...

М. НУРХОНОВ,
жумҳурият маънавий маданият тарғибот маркази мудири.

Т. САКСОНОВ,
марказнинг илмий раҳбари, фан номзоди.

О. БУРИЕВ,
марказ илмий кенгашининг аъзоси, тарих фанлари номзоди.

ТИНЧЛИК ЖАМҒАРМАСИГА

ҚАРШИ шаҳар фуқароси, иккинчи гуруҳ ногирони Соҳиба Мўминова Новосибирск шаҳридаги тиббиёт илмий-тадқиқот институтида даволаниб қайтди. Унинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни тинчлик жамғармаси ўз зиммасига олди.

Жумҳурият тинчлик жамғармаси вилоят ташкилоти ҳисобига аниқ мақсадларда фойдаланиш учун кўплаб маблағлар ўтказмоқда. 1991 йилнинг ўзида 70 минг сўмдан ортиқ маблағ олиниб, унинг 60 минг сўми меҳр-шафқат жамғармасига, даволанишга муҳтож кишилар учун ажратилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ёрдам тариқасида 10 минг сўм берилди.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЙРИЯ МАҚСАДЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Хотин-қизлар Сурхондарё вилоят комитети ҳузурида кўп соҳали «Баҳор» кичик корхонаси тузилди. «Баҳор» даромадлари хайрия мақсадларига — ногиронларга, қарияларга ва бошқа муҳтожларга ёрдам беришга сарфланишини ҳисобга олиб, Термиз шаҳар ижроия комитети уни солиқдан озод қилди.

«Баҳор» саноат маҳсулотларини арзон нархларда сотадиган иккита дўкон очишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу дўконларда корхонанинг ўзида тайёрланган маҳсулотлар сотилади.

(ЎзТАГ).

Тикланаётган қадриятлар

ҲУНАРМАНД ХОР БЎЛМАЙДИ

РЎЗНОМАНИНГ аввалги сонларидан бирида Ўзбекистон Маданият жамғармаси ҳовлисида халқ амалий, тасвирий санъат усталари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазма-савдоси ташкил этилганлиги хусусидаги хабар босилганди. Мухбиримиз кўргазма-савдонинг очилиш маросимида қатнашиб жамғарма бошқаруви раҳбарларидан бу хайрли тадбирдан кутилган мақсад, унинг истиқболи ва режалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Комилжон ЖОНТОЕВ,
жамғарманинг бош рассоми

БИЗ ҳозир интилаётган тижорат (бозор) муносабатлари қадимий Туронда гуркираб ривожланган ва на фақат ўз ҳудудида, балки бошқа олис музофотларда ҳам маърифат, маданият ва турмуш тарзи тараққиётига кучли, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи таъсир этган. Маълумки, тижорат ишларининг ривожи халқ ҳунармандчилиги ривожи билан узвий боғлиқ. Бинобарин, Туронда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам халқ ҳунармандчилиги оммавий ривожланган бонс тижорат ишлари ҳам кенг қулоч ёйган.

Аммо, афсуски, аср бошидаги инқилобдан сўнг халқ ҳунармандчилиги маълум сабаблар билан сусайди, айрим ноёб турлари ҳатто йўқолиб кетди. Ҳалол олди-сотдига мосланган тижорат ишларига ҳам ҳаром-хариш аралашди. Хайриятки, бугунги кунга келиб ҳақиқат юз кўрсата бошлади, жумҳуриятимиз мустақиллик мақомига эришиб, қадриятлар қайта тикланиб, меҳнат озод бўла бошлади, ишлаган тишлайдиган замонларга қайтилаяпти. Халқ ҳунармандчилигини қайта жонлантириш, бозор, раста ва дўконларни молларга тўлдириш, ҳаромхаришдан холи тижоратни йўлга қўйиш учун қулай пайт келди. Халқ амалий, тасвирий санъат усталари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазма-савдосини ташкил этишдан мақсадимиз ҳам ана шу хайрли жараённинг жадаллашувига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир. Кўргазмахонага қўйилган буюмларнинг хили ҳам, уни кимлар тайёрлагани ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу ердаги турли гиламлардан тортиб, оддий сопол безакларгача халқ ҳунармандлари қўлидан чиққан.

Ўйлаймизки, биз ташкил этган кўргазма-савдо унутилаёзган халқ ҳунармандчилигини қайта ривожлантириш ва бозорларни тўкин-сочин қилишга, шу йўл билан нарх-навони камбағалларнинг ҳам қудрати етадиган даражага туширишга хизмат қилади. Ахир хонадонларда гилам тўқиш илгаригига нисбатан ўн баравар камайиб кетган-да. Яъни ҳозир бозорга 10 та ўрнига битта гилам чиқаяпти. Нарх-навонинг осмондалиги ҳам шундан. Халқ ҳунармандчилиги аслига қайтса, турмуш ҳам изга тушиб қолади, албатта.

Абдуғани ОЧИЛОВ,
жамғарма бошқаруви раисининг тижорат ва ташкилий ишлар бўйича муовини

КЎРГАЗМА-САВДО йўқдан бор қилинди, десак муболаға бўлмас. Боиси — бунинг учун на жой, на шароит, на тайёр манба бор эди. Аммо истак, ташаббус, бўлса, мақсадга эришиш ҳеч гап эмас экан. 8 ой уриниб ҳовлидаги эски ошхона биносини ўз кучимиз билан таъмирлаб, кўргазма учун мослаштирдик. Жумҳуриятимиз вилоятларидаги жамғармамиз бўлимлари ходимлари ғайрат қилишиб халқ амалий, тасвирий санъат усталари тайёрлаган буюмларнинг рўзғорбоп хилларини тўплашди ва кўргазмамизга етказиб беришди.

Дарвоқе, кўргазмага савдо сўзининг қўшиб ёзилиши бежиз эмас. Бу ерда намойиш этиладиган ҳамма буюмлар сотилади. Кўргазма-савдо йил бўйи давом этиб, янги-янги буюмлар билан тўхтовсиз тўлдириб борилади. Ҳозир сопол ва заргарлик буюмлари, гилам тўқиш, дурадгорлик цехлари қурилаяпти. 1992 йилнинг ёзида иш бошлайдиган бу цехларда тайёрланадиган идиш-товоқлар, жиҳозлар, гиламлар, беланчагу бешиклар ва уларга керакли асбоблар, ёғочдан ишланадиган турли безакли буюмлар кўргазмамизни бойитади, савдони ҳам ривожлантиради.

Савдодан тушадиган маблағдан жамғармага ўтказиладиган маълум фоиз пул жумҳуриятнинг турли музофотларида янги филиаллар очиш, вилоятларда ҳам кўргазма-савдони йўлга қўйишга сарфланади.

МИЛЛАТНИ тан десак, маданият унинг жонидир. Маданиятсиз миллат, миллатсиз маданият бўлмайди. Кўргазма-савдо узоқ йиллар, балки асрлар давомида камситилиб, атайлаб бузиб тарғиб қилиб келинган тарихимизни, табиату қадриятимизни, урф-одату хайрли анъаналаримизни қайта тиклаш, бундан буён авайлаб асраш, ривожлантириш мақсадида бошлаган саъй-ҳаракатларимизнинг илк мевасидир.

Жамғармамиз жойлашган бинони бутунлай қайта таъмирлаяпмиз. Бу ишлар битгач, йирик хоналарнинг бири кўргазма учун ажратилиб, бу ерда кўҳна қўлёзмалардан тортиб, ноёб асарларгача сақланади ва намойиш этилади. Ниятимиз буюк мутафаккирларимизнинг бир вақтлар хорижий мамлакатларга ташиб кетилган асарлари асл қўлёзмаларини, лоақал нусхаларини келтиришдир.

Янги йилдан бошлаб жамғарма ўз ҳафтаномасини чиқара бошлайди. «Ипак йўли» дея ном берилган бу ҳафтанома рўйхатга олинган. Уни чоп этишдан мақсад қариб 40 минг йиллик тарихга эга, Чиндан то Римгача давом этган Буюк ипак йўли билан ўтмиши боғланган халқлар тарихини холис туриб, бузмай-бўямай, авлодларга етказишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ипак йўли» сиёсатга аралашмайди, фақат ва фақат тарихий ҳақиқатни тиклаш билан шуғулланади.

Бинони қунгилдагидек таъмирлаб олганимиздан сўнг халқаро бирдамлик, тижорат ва саёҳат бўлимимиз хорижий эллар билан амалий алоқаларни йўлга қўяди. Умуман чет элларда турк-ўзбек кунларини, байрамлари ва миллий, амалий, тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини уюштириш ниятидамиз.

Суҳбатни
А. ИЎЛДОШЕВ
ёзиб олди.

ТУРКИЯ ЁКИ МУСТАФО КАМОЛ ОТАТУРК НОМИ БЕРИЛСА...

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИ А. И. ФОЗИЛБЕКОВГА

Муҳтарам Адҳамбек Иброҳимбек ўғли! Сизни, аввало, мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти— қадрдону муаззам Тошкентимизнинг биринчи ҳокими юксак лавозимига умумхалқ хоҳиш-иродасига биноан сайланганлигингиз билан журналистлар жамоатчилиги номидан самимий табриклаймиз ва муборакбод этамиз. Сизнинг номзодингизни ёқлаб овоз берган неча-неча юз минглаб фуқаролар ноумид бўлиб қолмагайлар ва Сиз уларнинг ишончларини оқлагайсиз, дея имон келтирамиз.

Ушбу очиқ хатни Сизнинг номингизга ёзаётганимиз боиси хусусида. Маълумингизким, Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида хорижий мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Туркия ҳукумати таниди ва эътироф этди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов қардошларимиз ҳузурига расмий ташриф буюрди. Шу аснода қабул қилинган тарихий, оламшумул ҳужжатлар матбуотда берилди. Хуллас, юз йилдан ортиқ давр мобайнида тамғалар босилган, кулфу занжир тақилган дарвоза очилди, борди-келди бошланди ва у тобора равнақу ривож топажаги шаксиздир.

Ана шу ҳақиқатни ҳисобга олиб таклиф этамиз: Тошкент шаҳрининг Ленинград кўчасига Туркия номи ёки турк халқининг доҳийси, содиқ фарзанди, ўзбек эли учун муҳтараму мукаррам Мустафо Камол Отатурк номи берилса ва Сизнинг дастлабки фармонларингиздан бири шу хайрли ишни тезроқ рўёбга чиқарса.

Сизга эҳтиром билан: «Халқ сўзи», «Туркистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати», «Тонг юлдузи», «Маърифат», «Ўзбекистон спорти» рўзномалари таҳририятларининг жамоалари номидан:

Аҳмаджон МУХТОРОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Миргиёс ҚАЮМОВ, Эркин ЭРНАЗАРОВ, Нўъмон НАСИМОВ, Акрам БЕРДИМУРОДОВ, Аҳмаджон ДОЛИМОВ, Сафар ОСТОНОВ.

ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТ

Мустафо Камол Отатурк (1881—1938) Туркия Республикасининг асосчиси ва 1923 йилдан 1938 йилгача биринчи президенти. Отатурк (Турклар отаси) исми унга 1934 йилда Туркия Буюк миллат мажлиси томонидан берилган. Тахтаёғоч савдогари, божхона собиқ амалдори оиласида туғилган. Ҳарбий олий маълумотни Истанбулда олган, 1905 йилда шу ерда Бош штаб академиясини тамомлаган. Турк ёшлари ҳаракатида иштирок этган. Ёш туркийлар инқилобидан сўнг — 1908 йилда «Бирлик ва тараққиёт» комитетидан чиққан. Италия — Туркия (1911—12), Болқон (1913), Биринчи жаҳон (1914—18) урушларида жанг қилган. 1916 йилда генерал ҳамда пошшо унвонларини олган. Унинг раҳбарлиги остида 1919 йилда Орзурум ва Сивасда «Ҳуқуқ ҳимояси» деб номланган инқилобий жамиятлар конгресслари ўтказилиб, 1920 йил 23 апрелда Анқарада ҳокимият олий бўғини — Туркия Буюк миллат мажлиси тузилди. Отатурк ана шу мажлис раиси, 1921 йилдан эътиборан ҳарбий бош қўмондон сифатида инглиз—юнон босқинчиларига қарши миллий озодлик урушида қуролли кучларга бошчилик қилди. Саркари дарёси бўйидаги жангларда қозонилган ғалаба (1921 йил 13 сентябрь) шарафига маршал ҳамда ғози унвонларига сазовор бўлган. Отатурк раҳбарлигидаги армия 1922 йилда босқинчиларни тор-мор этганди.

Отатуркнинг ташаббуси билан 1922 йил 1 ноябрда султоният бекор қилиниб, 1923 йил 29 октябрда республика эълон этилди. 1924 йил 3 март куни халифатлар тугатилди. Маъмурий-давлат, адлия, маданий-маиший ҳаётда миллий руҳдаги бирқанча хайрли ислоҳотлар ўтказилди. 1923 йилда «Ҳуқуқ ҳимояси» жамиятлари негизида тузилган Халқ (1924 йилдан Халқ-республика) партиясига умр бўйи раис бўлди.

Мустафо Камол Отатурк хотираси нафақат Туркияда, Ўзбекистонда ҳам эъзозлидир.

М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамбли концерт залида намойиш қилинаётган «Сеҳрли қаҳқаҳа» томошалари мухлисларга манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: томошаларни саҳналаштирган режиссёр М. Шокиров ва «қорқиз» Олима Ёқубова ёш томошабиклар даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

КИМ АЙБДОР?

«МАЪЛУМОТ»НОМАНИНГ ТУЗУВЧИСИ ТОҲИР МАЛИККА

«148-саҳифадаги гаплар Сирдарё вилояти ёзувчиларининг ҳисоботидан... Вилоятнинг ўн бир кишилик ижодкорлари ичида туппатузук, элга таниқли шоирлар бор. Мен қандай қилиб уларнинг фикрларини ўзгартиришим мумкин».

(«Маълумот» муҳаррири Чоршаъм Рўзиевнинг тушунтириш хатидан).

Ҳурматли Тоҳиржон!

«Халқ сўзи»нинг 26 декабрь сонида Сизнинг бош муҳаррир номига ёзган хатингизни ўқиб, жуда кулгим қистади. «Маълумот»ни Сиз тузганингиз, Чоршаъм икков бу ишни жуда тез, одам ҳавас қилса арзигулик суръат билан битирганингиз шундоқ кўз ўнгимда турибди. Сирдарё вилоятининг ҳисоботи 1991 йил 26 январда келган. Сиз бошқа ишга 15 февралда кўчгансиз. «Маълумот» босишга рухсат этилган кун — 19 март. Албатта, китоб чиққунча бўлган жараёнда Сиз тўла иштирок этмагансиз. Бир фалокат босиб ўша 148-саҳифани ўқимай қолган бўлишингиз мумкин. Аммо бу ерда Шукрулло нима қилиб юрибди! Шукрулло бор-йўғи қурултойни ташкил қилишга ёрдам берган. Уюшманинг ички ишларига аралашиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Эсингиздами Азиз Несиннинг ҳикояси: одамлар жамиятдаги иллатларни бир-бирига тўнкай-тўнкай охири ҳаммасига мушук айбдор бўлиб чиқади. Ушанга ўхшаб, ҳаммасига Шукрулло айбдор бўлиб чиққани кулгимни қистатади. Дарҳақиқат, дейман, Шукрулло айбдор. Сиз ҳам эмас, мен ҳам эмас, Чоршаъм, Ҳамроқул Ризо ҳам эмас, Тўра Сулаймон ҳам эмас — ҳаммасига Шукрулло айбдор.

Сизга ҳурмат билан:

Миразиз АЪЗАМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг масъул котиби.

АНДИЖОНДАН ЭШИТИНГ

ЎЗ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ корхоналарни энг қулай ва самарали ишлаб чиқариш манбаларидан фойдаланишга мажбур қилаяпти. «Коммунар» заводи ишчилари металлни плазма ёрдамида кесиш технологиясига киришдилар. Гап шундаки, янги усулда аввало меҳнат унумдорлиги ошади. Ишчилар касб касаллигига чалинишдан бирмунча халос бўладилар. Сабаби — шовқин йўқолади. Қолаверса, маҳсулот сифати ортади. Айни кунларда пўлатнинг бир неча турлари ана шундай йўл билан қирқилмоқда. Мазкур янгилик Киевдаги Б. Патон номли кавшар-пайвандлаш олий илмгоҳи томонидан тавсия этилган.

* * *

АСАКА РАЙОНИдаги электр тармоқлари идорасига ўрнатилган Ленин ҳайкали олиб ташланди. Нурчилар унинг ўрнига гул кўчати ўтқаздилар. Ленин ҳайкалига бошланган ҳужум вилоятдаги иккинчи воқеадир. Худди шундай ҳол Избоскан райони марказида ҳам бўлган. Номаълум трактор неча йиллардан буён савлат тўкиб турган ҳайкални ағдариб юборганди.

* * *

АНДИЖОН ШАҲРИда ижтимоий таъминот бўлими нафақаларни етказиб беришда алоқа хизматидан воз кечмоқда. Ана шу масъулиятни таъминотчиларнинг ўзлари, тўғрироғи, «Таъминот» кичик корхонаси ўз зиммасига олаётир. Дастлабки тажрибалар амалда синаб кўрилди. Асака ҳамда Андижон шаҳридаги 20-алоқа бўлими тасарруфидаги нафақахўрларга таъминотчилар орқали 550 минг сўм тарқатилганда, 13 минг 200 сўм даромад кўрилди. Агар янгилик вилоят бўйича тадбиқ этилса, йил давомида 17 миллион сўм тежалаши мумкин.

Масаланинг иккинчи томони — Самарқанд вилоятида синаб кўрилиб, ўзини оқламаган янгилик Андижонда манфаатли бўлармикан! Охир оқибат алоқа ходимларию ижтимоий таъминот мутасаддилари ўртасида қўш ҳокимиятчилик юз бермасмикан! Буни эртанги куни кўрсатади.

* * *

МАРҲАМАТ районидаги кичик кучланишли автомат қурилмалар корхонасида дазмол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Одамларнинг ана шу маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжи нақадар кучлилиги ҳисобга олиниб шундай дадил қадам ташланди. Корхонада бошқа тақчил электр буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилаётир.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ.

«АЛ ХОРАЗМИЙ—ВАМБЕРИ» ИШ БОШЛАДИ

ХОРАЗМ диёрида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар сафи яна битта кўпайди. Ўзбекистон ва Венгрия олимлари «Ал Хоразмий — Вамбери» деб номланган халқаро илмий жамиятнинг асосчилари бўлдилар. Ҳар иккала қардош халқнинг буюк фарзандлари — Ал Хоразмий ва Вамбери ана шу ташкилотнинг рамзий асосчилари сифатида тан олиндилар.

Янги халқаро ҳамжамиятга асос солиниши муносабати билан Хива шаҳрида жамият Марказий кенгаши раёсатининг кенгайтирилган мажлиси чақирилди. Бундан олдин Будапешт шаҳрида жамиятнинг Марказий кенгаши ва унинг Венгрия ташкилоти вакилларида ўтган эди.

Хивада бўлган йиғин иштирокчилари халқаро уюшманинг Хоразм бўлимини таъсис этишда илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмасининг вилоят ташкилоти самарали фаолият кўрсатганлигини таъкидладилар.

Ал Хоразмий ва Херман Вамберининг тарихий хизматлари элдошларимизга яхши маълум. Улар турли даврларда яшаган бўлсалар-да, илмни ривожлантириш, шарқ ва ғарб халқларининг бир-бирига яқинлашуви жараёнини тезлатишга самарали ҳисса қўшдилар. Ўзбек ва венгер илмий жамоатчилиги халқимизнинг мозийдаги ҳамкорлигини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқди. Янги илмий уюшма олдида аждодларимизнинг бой тарихий ва маданий меросини кўз қорачиғидек асраш, умрини узайтириш, илмий-техника ютуқларини жорий этиш, минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақига кўмаклашиш, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифалари турибди.

Халқаро ташкилотнинг ҳаракат ва доҳил доираси тўхтовсиз кенгаймоқда. Яқинда жамият Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ал Хоразмий — Вамбери» жамиятининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Москва ташкилотларини тузиш юзасидан қарорлар қабул қилинди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳр-шафқат кунда керак

БЕМОР БОЛАЛАРГА ЁРДАМ

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш муассасаларига Туркиядан келган хайрия юки топширилди. Бу юк бир марта ишлатиладиган шприцлардан, камчил дори-дармонлардан, боғлаш материалларидан, санитария ва гигиена буюмларидан иборат. Улар Тошкентдаги гўдаклар уйига, республика руҳий ва асаб касалликлари шифохонасига, Ўзбекистон пойтахтининг Фрунзе районидаги учинчи ва тўртинчи сонли болалар комбинатига, бошқа тиббий муассасаларга топширилди.

Буларнинг ҳаммаси Туркия Республикаси Қизил Ярим ой жамиятининг янги йил арафасидаги инсонпарварлик ёрдамидир. Бу ёрдам икки мамлакат халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ёрқин далили бўлди. Ёрдамнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатдан келганлиги ҳам рамзий маънога эга.

— Туркиялик дўстларимиз ва ҳамкасбларимиз юборган совғалар орасида фақат дори-дармонлар эмас, озиқ-овқат маҳсулотлари: шакар, ун, творог, ёғ ва бошқа маҳсулотлар ҳам бор, — деди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Фароҳат Менлиқулов. — Уларнинг ҳаммаси дарҳол болалар шифохоналарига, туғруқхоналарга, интернатларга тақсимлаб берилди.

Педиатрия илмий-тадқиқот илмгоҳи клиникаси, Тошкент вилоят гўдаклар уйи, Крупская номли республика болалар суяк сили санаторийси даволанувчиларига, яъни жадал даволашга ва тўйиб овқатланишга муҳтож бўлган беморлар қўлига хайрия юклари етиб борди.

(ЎзТАГ).

НОННИ ОРТИҚЧА ОЛМАНГ

ДУКОНЛАРДА нон бўлмай қолиши, бор пайтида эса узоқдан-узоқ навбатлар Тошкент шаҳри учун ҳам одатий ҳол бўлиб қолди. Бунинг асл сабаби нимада? Заводларда нон тайёрлаш камайдими ёки пойтахт аҳолиси кўпайиб кетдими?

Рўй берган вазиятнинг таҳлили бу ҳар иккала тахмин ҳам асосли эмаслигини кўрсатди. Чунончи, ҳозир пойтахт заводларида ўтган йилдагидан 35 фоиз кўп нон ва булка маҳсулотлари тайёрланмоқда. Аҳоли сони эса бор-йўғи 3 фоиз ўсди.

Гап шундаки, бу йил қиш пайтида озиқ-овқат тақчил бўлиши мумкинлиги ҳақидаги асоссиз миш-мишлар аҳолини бироз чўчитиб қўйди. Одамлар нонни кўпроқ олиб, ортганини қотириб қўйиб, ночор кунларга асрамоқчи бўлишмоқда. Ҳозирги узилишу катта навбатларнинг ягона сабаби — фақат шу. Ҳолбуки, нафақат Тошкент шаҳрида, балки жумҳуриятимизнинг барча музофотларида аҳолини нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун ҳамма имкониятлар бор.

А. САМАД.

«Халқ сўзи» дарсхонаси

ТУРК ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

TÜRKİYE TÜRKÇESİ ALFABESİ

LÂTİN	KİRİL		ARAP Sonda	Ortada	Başta	Serbest
A a	А а		ـا	ـا	آ	ا
			ـع	(ـعـ)	عـ	ع
B b	Б б		ـب	ـبـ	بـ	ب
C c	Ч ч		ـج	ـجـ	جـ	ج
Ç ç	Ч ч		ـچ	ـچـ	چـ	چ
D d	Д д		ـد	ـد	د	د
			ـض	ـضـ	ضـ	ض
E e	Е е		ـه ـے	ـهـ ـیـ	هـ ا	ا
	Э э				ا	ا
	Ә ә					ا
F f	Ф ф		ـف	ـفـ	فـ	ف
G g	Ж ж		ـگ	ـگـ	گـ	ك
	Г г		ـغ	ـغـ	غـ	غ
Ğ ğ	(J) (j)		ـک	ـکـ	کـ	ك
	Ғ ғ		ـغ	ـغـ	غـ	غ
H h	Һ һ		ـه ـة ـۂ	ـهـ ـۂـ	هـ	ه
			ـح	ـحـ	حـ	
	Х х		ـخ	ـخـ	خـ	خ
I ı	Ы ы		ـی	ـیـ	ایـ	
			ـع	(ـعـ)	عـ	ع
İ i	И и		ـی	ـیـ	ایـ	
			ـح	(ـعـ)	عـ	
J j	Ж ж		ـژ	ـژ		ژ
K k	К к		ـك	ـكـ	كـ	ك
	(Қ) (қ)		ـق	ـقـ	قـ	ق
L l	Л л		ـل	ـلـ	لـ	ل

LÂTİN	KİRİL		ARAP Sonda	Ortada	Başta	Serbest
M m	М м		ـم	ـمـ	مـ	م
N n	Н н		ـن	ـنـ	نـ	ن
	Ң ң		ـنك	ـنكـ	نكـ	نك
O o	О о		ـو	ـو	او	
			(ـع)	(ـعـ)	عـ	ع
Ö ö	Ө ө		ـو	ـو	او	
			(ـع)	(ـعـ)	عـ	ع
P p	П п		ـپ	ـپـ	پـ	پ
R r	Р р		ـر	ـر	ر	ر
S s	С с		ـس	ـسـ	سـ	س
			ـث	ـثـ	ثـ	ث
			ـص	ـصـ	صـ	ص
Ş ş	Ш ш		ـش	ـشـ	شـ	ش
T t	Т т		ـت	ـتـ	تـ	ت
			ـط	ـطـ	طـ	ط
U u	У у		ـو	ـو	او	
			(ـع)	(ـعـ)	عـ	ع
Ü ü	Ү ү		ـو	ـو	او	
			(ـع)	(ـعـ)	عـ	ع
V v	В в		ـو	ـو	و	و
Y y	J(Й) j(й)		ـی		يـ	ی
			ـگ	ـگـ	گـ	ك
Z z	З з		ـز	ـزـ	زـ	ز
			ـذ	ـذـ		ذ
			ـض	ـضـ	ضـ	ض
			ـظ	ـظـ	ظـ	ظ

Тириклик дунёсида қанча тил бор? Буни аниқ айтолмаймиз, лекин турк тили улар орасида муҳим ўрин эгаллашини биламиз. Алломалар «Тил — тили арабаст, форсий шакараст, туркий ҳунараст...» деб бекорга айтишмаган.

Бу тил Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Беруний, ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Амир Темур, Лутфий, Навоий, Бобур тилидир. Бу тил юзлаб лаҳжаларни ўз ичига олган буюк тилдир. Бу тил сумерлар, хунлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар тилидир. Бу тил — бугунги ўзбеклар, қозоқлар, озарлар, туркманлар, уйғурлар, қирғизлар, татарлар, қорақалпоқлар, хакаслар, ёқутлар, қорачайлар, болқорлар, олтойлар, тувалар, гагавузлар тилидир. Бу тил замонлар зайли билан арабий, кирилий, лотиний либос кийган, аммо ўзлигини — юрагини ҳеч қачон йўқотмаган тилдир!

Биз бугун лотин кийимкечагидаги турк тилини ўрганишга чоғланмоқдамиз. Давру давронимиздаги воқеаҳодисотлар шуни тақозо этмоқда. Ҳозирги Туркия турклари лотин алифбосида ёзишади, улар дунёга шу ёзувда ўзликларини намоён этишган. «Халқ сўзи» мухбирлари бошқа тиллар, хатлар, алифболар қаторида турк тилини, ёзувини ўрганишга киришсалар ёмон бўлмасди. Зеро, тил билиш — дунёни билишдир, тор ҳонадан жаҳонга чиқишдир, инсоннинг англаш, ўзликни англатишдир!

Азим СУЮН.

Ҳўжанд янгиликлари

ҲАМКОРЛИК

ҚОЗОҒИСТОНнинг Чимкент ва Тожикистоннинг Ленинобод вилоятлари ўртасида иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди. Ўн қисмдан иборат битимда икки вилоят орасида бўладиган олди-бердилар, ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликлар ҳақида ёзилган. Жумладан, вилоятлар бир-бирларига зарур маҳсулотларни етказиб беришади, тожик чорвадорларига мол боқиш учун қозоқ яйловлари ажратилади, қозоқ ўтовларини тожик гиламлари безайди.

КОРХОНА ЎЙ ҚУРМОҚДА

КОНИБОДОМдаги тормоз аппаратуралари заводи маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ишчилар ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун амалий тадбирлар кўрмоқда. Иккита кўп қаватли уй қуриш учун 1 миллион 165 минг сўм маблағ ажратилди. 40 ишчи оиласи 1993 йилни уй тўйлари ўтказган ҳолда кутиб олади.

«Тожикхимсельмаш» заводи ишчилари фарзандлари учун катта қулайлик яратилди. Маҳрам қўрғонида 280 кичкинтой ўсиб-улғайиши учун барча шароит муҳайё этилган боғчаясли фойдаланишга топширилди.

ТАМҒАДАН ХАЛОС БЎЛИШДИ

ВИЛОЯТДА фақат хом ашё етиштирувчи сифатида пешонага босилган тамғадан халос бўлиб, янги-янги тармоқларни ишга тушираётган жамоа хўжаликлари кўпайиб бормоқда. Бу сафга биринчилардан бўлиб Ашт туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги қўшилганди. Хўжаликнинг цехида икки йилдан буён эркаклар ва аёллар учун пўстинлар, камзуллар тикилмоқда.

Хўжаликда ангор эчки юнгидан рўмол тўқиш цехи ҳам ишга тушди. Илгари қимматбаҳо юнг деярли сувтекинга сотиларди. Янгилик туфайли хўжаликнинг эчкичиликдан олаётган даромади бир неча баравар ошди.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 37. 118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12